



Хазрат Навоийнинг бу машхур газали хакида суҳбатлашишдан аввал, ота-боболаримиз коинотни ўн саккиз минг оламдан иборат, деб англаганликларини эслаб ўтишимиз жоиз. «Ошуб» - гавго, тўполон дегани. Хўш, нима учун шоир «Ўн саккиз минг олам ошуби» дейди?

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.

Деса бўлгайким, яна ҳам ўн саккиз йил хусни бор,
Ўн саккиз ёшинда бунча фитнаким бошиндадур.

Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур,
Хусн шохи... ул балоларким кўзу кошиндадур.

Хайрат этмон хусни накшидаки, хар хайратки бор,
Барчаси Язид таоло сунъи наккошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Аклга юз хайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй мугки, юз хайрат аро колмиш Масих,
Бул ажабларким, бу эски дайир хуффошиндадур.

То Навоий чекти ул ой фуркатидин бахри ашк,
Хар қачон боксанг куёш акси анинг ёшиндадур.

Маълумки, бизга ана шу «ўн саккиз минг олам»дан кичик бир қисм - Ер юзининг ўзимиз яшайдиган бўлагидаги гам-ташвишу галаёнлар, жунбушларгина аён. Чексизликдаги

жамики «ошублар»нинг хайбатини хатто тасаввур килишга ҳам ожизлик килиб қоламиз. Бирок, Алишер Навоий идеалидаги инсоннинг, мумтоз махбубанинг етуклиги шу даражадаки, унинг бошида нафакат мазкур «ўн саккиз минг олам ошуби» хақидаги тасаввур, балки ана шу ошуб, ана шу галаён бор. Шу ўринда, Алишер Навоийнинг хар бир инсон шахсига нақадар буюк аҳамият берганлиги, қанчалик залворли юк ортганлигини таъкидлаб қўйиш лозим. Инсоннинг, хар бир шахснинг ўзи алоҳида бир оламгина бўлиб қолмасдан, балки «Ўн саккиз минг олам ошуби»нинг соҳиби эканлиги буюк шоиримизнинг бу борадаги ўзига хос кашфиётидир. Биз хар лаҳзада дунёга неча минглаб одамлар келиши ва хар лаҳзада қанчадан-қанча гўзаллар ўн саккиз ёшга қадам қўйишларини, бир ўйласак ва хар биттасининг бошида ўн саккиз минг оламда содир бўлаётган галаёнлар мавжудлигини фикр қилсак, буларнинг барчаси ва булардан ташқари Навоий лирик қаҳрамони томонидан васф этилаётган ўн саккиз минг олам муаммоларини ўз бошига жам қилган махбубанинг зоҳирий ва ботиний кўрки нақадар бетимсол эканлиги аён бўлади. Гўзалдан аёнки, хар бир кун шунчаки кун эмас, хар бир лаҳза шунчаки лаҳза эмас, балки қанчалаб мумтоз гўзалларнинг ва улар орасидаги битта энг етук соҳибжамолнинг ўн саккиз ёшга тўлиб турадиган оний бир мўъжизаси ўлчамидир. Бир лаҳзадаки шунчалик мўъжизалар қудрати мавжуд экан, ўн саккиз йил қанчалик хусндан иборат эканлигини кўз олдингизга келтираверинг. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ушбу махбубанинг илк байтдаги таърифи билан қифояланиб қолмасдан, ўз соҳибжамолида хар бир лаҳзаси ана шундай барқамол кўрқлардан иборат бўлган яна тагин ўн саккиз йилнинг хусни борлигидан хабар беради. Мазкур хусннинг чексизлигига чексизлик қўшади.

Деса бўлгайким, яна ҳам ўн саккиз йил хусни бор,
Ўн саккиз ёшинда бунча фитнаким бошиндадур.

Байтдаги «фитна» сўзига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ керак. Маълумки, оламдаги барча галаёнлар диалектик зиддиятларнинг содир бўлишларидан, яъни «фитна»лардан ташқил топади ва шу тўғриси борлиқ мулк ҳаракатга келиб туради. Демак, Алишер Навоий тавсифидаги гўзал фақатгина чексиз хусн соҳибаси эмас, балки борлиқни ҳаракатлантиргувчи қудратга ҳам эга бўлган бир мўъжизадир.

Ҳазрат Навоий қаҳрамонига махбубаси тимсолидаги инсоний гўзаллик ва унинг яратувчиси қудрати хақидаги тафаккур изланишини аёвсиз бир шиддат билан давом қилгизади. Шоирга бу тенгсиз соҳибжамолнинг ўн саккиз йил хусни соҳибаси эканлиги ҳам қандак кўринади. Энди бу мезон хар лаҳзада тенгсиз ва чексиз гўзалликларни ўз ичига қамраб олган юз саксон йил қадар баҳайбатланади.

Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур,
Хусн шоҳи - ул балоларким кўзу қошиндадур.

Шоир англатадики, хар йилнинг ўз хусни бор. Муайян йилнинг хусни ана шу йил мобайнида яралган жами гўзалликларнинг мажмуидан иборат. Бир йилда Аллоҳ таоло қанча-қанчалаб хуснларни бунёд этади? Буни аниқ айтишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам бу ерда у «йил хусни» деган иборани қўллайди. Алишер Навоий «хусн ўлчами»га замон ва макон нуктаи назаридан келиб чиқиб аниқлик қиритади, яъни «Ўн саккиз йил

хусни» каби. Ва шу хуснга хайратдан тугилган «Ўн саккиз минг олам ошуби». Алишер Навоий ана шу ўлчамлардан «Хусн шохи» деган атамани кўллайди. Унинг фикрича, васф этилаётган сохибжамол ўн саккиз йил ҳам эмас, юз саксон йил мобайнида яратилган илохий хуснларнинг мумтози яъни «ШОХИ»дир. Мангуликнинг «хусн шохи», шоирнинг зимдан таъкидлашича - Аллохдир. Лекин У инсонларни ўзига монанд сифатлар билан зийнатлаб кўришни маъкул топади. Шоиримиз таърифлаётган илохий дийдор эса, ана шундай олий лахзаларда яралган мў'жизадир. Бу дийдор айна бир вақтнинг ўзида шоир инсонлар олдига кўймокчи бўлган сифатлар сохибасидир, тараккиёт жараёнида шунга караб интилиниши керак бўлган ибрат намунасидир... .. «кўзу қоши» «канчалаб ўн саккиз минг оламлар» балоларини ўзида жамлаган бу баркамоллик эгасининг сохибмў'жизалик даражасига хайрон қолишга инсоннинг акли ожизлик килади. Шу сабабдан бўлса керак, «хайрат этмон хусни накшидаки», деб хитоб килади ва ўзи яратган мў'жизаларига Аллохнинг ўзининггина хайрат кудрати етиши муқаррарлигини шоир куйидагича баён этади: «...хар хайратки бор, барчаси Эзид таоло сунъи наккошиндадур». Бу мисрадан шуниси яна ҳам ойдинлашдики, бу чексиз мў'жизага хайрат айнан ана шу мў'жизанинг ўзидан иборат. Яъни хайрат «сунъи наккошинда». Демак, яратувчининг кўлида, яна ҳам аниқроғи, «наккош»нинг, яъни Парвардигори оламнинг яратувчилиқ кудратидир. Шоирга кўра, бундай илохий кудрат туфайли юз берган мў'жизага хайратланиш учун ҳамма-хамманинг ҳам қурби етавермайди.

Маълумки, оламнинг ишлари ташқаридан караганда ялтирок, унинг замирига нигоҳ ташласак, шоир илк байтда таъкидлаганидек, «ошубларга тўла». Шунинг учун ҳам бу дунёни «ёлгончи дунё» деб айтадилар. Алишер Навоий ўзи таърифлаётган гўзалнинг хуснини нақадар чексиз деб таъкид қилмасин, барибир у ҳам муайян маънода ўзи мансуб бўлган оламнинг тимсолидир. Яъниким,

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлга юз хайрат ул оининг ичу тошиндадур.

Яъни унинг бадани кумушдан. Ақлни юз хайратга соладиган жихати шундаки, мана шу кумуш баданнинг ичида тош юрак пинхон қилингандир ва у кўриниб туради. Мана шу кўриниб туриш дунёнинг ёлгончилиқка карама-қарши қўйилган зохир ва ботиннинг муштараклигидир. Шундан кейин, Алишер Навоий ўзи иншо этган бу мураккаб хусн салтанатининг таърифини тўхтатиб, анъанавий лирик чекинишга ўтади. Бирок бу лирик чекиниш ҳам зимдан асосий мавзу билан боғлиқ. Чексиз олам ва унда хаёт кечираётган баркамоллиги худудсиз одам мавжуд бўлган борлиқнинг хайратланарли эканлигини тараннум қилишда давом этишдан иборатдир.

Май кетур, эй мугки, юз хайрат аро қолмиш Масих,
Булъажабларким, бу эски дайир хуффошиндадур.

«Май» - эътиқодга қаттиқ берилишнинг тимсоли. «Муг» - майфуруш, инсоннинг ўз эътиқодига қаттиқ берилишида воситачи шахс. «Масих» - Исо пайгамбарнинг лақаби. Исо алайхиссаломнинг муҳим фазилати шундан иборатки, у гапириб ўликларга жон қирита олар эди. «Булъажаб» - галати, хайратланарли дегани. «Хуффош» бу -

кўршапалак.

Маълумки, кўршапалаклар гумбазларнинг ичини ўзларига уя килиб оладилар. Дунё ҳам, олам ҳам ўзига хос гумбаз. Бирок бу гумбазнинг кўршапалаклари шу қадар мў'жизакор, хайратланарлики, бундай хайратланарли кўршапалаклар яратган мў'жизотларга, хатто Исо Масих ҳам хайрон қолади.

Хуффош, яъни кўршапалак кўзлари кўрмаса ҳам сезгиларига таяниб, қоронгуда бемалол учиб юрадиган мавжудот. Сезгирлик унинг кўнгил кўзидадир. Маълумки, мутафаккирлар хақиқий мухаббатда ҳам, мажозий мухаббатда ҳам сувратнигина кўра оладиган зоҳирий кўзни эмас, балки сийратни идрок эта оладиган кўнгил кўзини афзал билганлар. Демак, Навоий таърифлаётган олий жамолни илгамок учун ҳар бир инсоннинг кўнгил кўзи чараклаб туриши керак. Бошқалар учун қоронгу бўлиб туюлган ерларда ҳам ўзига ёруғ йўл топа билмоғи лозим. Бундай оламда одамнинг нақадар буюк мў'жизалар содир эта олишига таажжубланмаса ҳам бўлади. Мактаъ, яъни газалнинг охириги байти қуйидагичадир:

То Навоий чекти ул ой фуркатидин баҳри ашк,
Хар қачон боксанг қуёш акси анинг ёшиндадур.

Алишер Навоийнинг лирик қаҳрамони ўзи таърифлаган ойдан айрилиб, шундай кўз ёшлар тўқадикки, мў'жизакорликда унинг ҳар катра кўз ёши шу ойга тенглашади. Нега биз шундай демокдамиз? Эътибор қилинг - қуёш нури ҳамиша ойда акс этади. Шоир бўлса, «Хар қачон боксанг қуёш акси анинг ёшиндадур» демокда. Хар катрасида бир қуёш акс этган бу «кўз ёш денгизи», яъни буюк қайғу, шунчаки қайғумас, балки борликни ўзида акс эттирадиган кўзгу ҳамдир. Бу ҳолни қуйидагича талқин қилиш ҳам мумкин: қуёшнинг акси ойда қандай зоҳир бўлса, ишқ туфайли табарруклашган ошиқ кўз ёши ойдан қуёшчалик афзал. Шу сабабдан ҳам офтоб унда акс этади. Шоирнинг бу охириги байтидан навбатдаги ҳулоса қелиб чиқади, маъшуқа нақадар барқамол бўлмасин, ошиқ ўзи чеккан дардлари туфайли қамолот даражасида унга баробарлашади. Муҳаббатнинг вазифаси ҳам ана шунда, яъни нуксонли севғувчини мумтоз севилувчи даражасига етказишдир.

Матназар Абдулҳаким,
Хоразм Ма'мун академияси илмий ходими